

АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ СОҒЛИКНИ САҚЛАШ ТАДБИРЛАРИДА ОРТИҚЧА ТАНА ВАЗН ВА СЕМИЗЛИКНИ КАМАЙТИРИШНИ ЙЎЛЛАРИ

Джумаев Б.З.,

Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро, Ўзбекистон.

✓ *Rezyume*

Buxoro viloyat ko'p tarmoqli tibbiyot markazida statsionar sharoitda davolangan, ortiqcha tana vazniga ega 102 nafar bemorlar tekshirildi. Ortiqcha tana vaznining darajasiga bog'liq holda genlar tarqalishining tahlili o'tkazildi. Birinchi darajali ortiqcha tana vazni bo'lgan bemorlarda biroz ko'proq ADRB3 (rs4994) Trp 64 Arg genining 1ta genotipi Trp/Trp 55% holatda, ikkinchi darajali ortiqcha tana vazni bo'lgan bemorlarda ADRB2 (rs1042713) A>G, AG genotipi 53,8% holatda va Trp/Trp genotipi eng ko'p 100% holatlarda uchradi. Uchinchi darajadagi ortiqcha tana vazni aniqlangan bemorlarda PPARG2 (rs1801282) genining C/C genotipi eng ko'p 84,6% holatda uchraganligi qayd qilindi, G/G genotip esa deyarli uchramadi.

Kalit so'zlar: ortiqcha tana vazni, nutrigenomika, gen ADRB3 (rs 4994), gen ADRB2 (rs1042713), gen PPARG2 (rs1801282), semizlik.

СПОСОБЫ ЛЕЧЕНИЯ ОЖИРЕНИЯ ПО МЕТОДАМ АБУ АЛИ ИБН СИНЫ

Джумаев Б.З.,

Бухарский государственный медицинский институт.

✓ *Резюме*

Обследовано 102 больных с избыточной массой тела, получавшие стационарное лечение в Бухарском областном многопрофильном медицинском центре. Проводили анализ встречаемости распространения генов в зависимости от степени избыточной массы тела. При первой степени избыточной массы тела наиболее часто встречался ADRB3 (rs4994) Trp 64 Arg Trp/Trp генотип 55% случаях, при избыточной массы тела второй степени оказалось ADRB2(rs1042713)A>G, генотипы AG 53,8% и Trp/Trp - в 100% случаях, а при избыточной массе тела третьей степени более часто регистрировали PPARG2 (rs1801282) генотип C/C в 84,6% случаях и генотип G/G практически не встречался.

Ключевые слова: избыточный вес, нутригеномика, ген ADRB3 (rs4994), ген ADRB2 (rs1042713), ген PPARG2 (rs1801282), ожирение.

METHODS FOR TREATMENT OF OBESITY BY THE METHODS OF ABU ALI IBN SINA

Dzhumaev B.Z.,

Bukhara State Medical Institute.

✓ *Resume*

A total of 102 overweight patients were examined who received inpatient treatment at the Bukhara Regional Multidisciplinary Medical Center. An analysis was made of the incidence of gene distribution depending on the degree of overweight. In the first degree of overweight, ADRB3 (rs4994) Trp 64 Arg Trp / Trp was the most common genotype in 55% of cases, in overweight of the second degree ADRB2 (rs1042713) A> G, AG genotypes 53.8% and Trp / Trp - 100% of cases, and overweight of the third degree more often recorded PPARG2 (rs1801282) genotype C / C in 84.6% of cases and the genotype G / G was practically not found.

Key words: overweight, nutrigenomics, ADRB3 gene (rs4994), ADRB2 gene (rs1042713), PPARG2 gene (rs1801282), obesity.

Долзарблиги

Бугунги кунда ортиқча тана вазни ва семизлик иқтисодий ривожланган мамлакатларда энг кўп учрайдиган касалликлардан бири бўлиб ҳисобланади. Дунёнинг 1/4 қисми аҳолисида ортиқча тана вазни аниқланади, аҳолининг 15% дан ортиғида семизлик учрайди. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотиға кўра 2,7 миллиард инсонларда ортиқча тана вазни рўйхатга олинган, бу тахминан дунёнинг 30% аҳолисини ташкил этади. Семизлик 10-25% гача Европа аҳолиси орасида учрайди, Америка аҳолисининг эса 1/3 қисмида, 502 млн кишида ортиқча тана вазни кузатилган. Семизликнинг учраш даражаси 2020 йилга келиб 9,1% ни ташкил қилади. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти

тахминий таҳлилларига кўра 2025 йилларда тахминан 300 млн аҳолиға етиб қолади [3.5].

Ортиқча тана вазни индекси турли даражаларида генларнинг тарқалиши Ўзбекистонда тўлиқ ўрганилмаган. Ортиқча тана вазни ва семизлик нафақат этник муаммо ҳисобланади, бу ўз навбатида атеросклерозни, ЮИК, артериал гипертензия, ишемик инсульт, II типдаги қандли диабет, эркалар ва аёллар бепуштлигига олиб келувчи хавфли омиллар ҳисобланади. Бу ўз навбатида ортиқча тана вазни ва семизликда генларнинг тарқалишини ўрганиш, илмий изланишларни давом эттиришни талаб қилади.

Мақсад: Ибн Синонинг соғлиқни сақлаш тадбирларида ортиқча тана вазн ва семизликни камайтириш йўллари ўрганиш.

№	ГЕН	Генотип	учраш сони	%	урт. ёши	Эркак		Аёл		урт. бўйи	урт. танаоғирлиги	урт. танавазми индекси
						%		%				28
1	ADRB2(rs1042713)A>G	A/A	6	46,15	40	3	23,08	3	23,08	169,16	80,6	28
		A/G	7	53,85	53,7	2	15,38	5	38,46	162,5	75,1	28
2	ADRB3(rs4994)_Trp64Arg	Trp/Trp	13	100	47,3	5	38,46	8	61,54	165,6	77,6	28
		Trp/Arg	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
3	PPARG2(rs1801282)_C34G	C/G	2	15,38	31,5	2	15,38	-	-	171	82,5	28
		C/C	11	84,62	50,8	3	23,08	8	61,54	164,6	76,8	28
		G/G	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
4	Жами		13	100	44,66	5	38,46	8	61,54	166,57	78,52	28

Материал ва усуллар

Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг турли бўлимларида ётиб даволанган ортиқча тана вазнига эга бўлган 102 нафар беморлар текширишдан ўтказилди. Текширишдан ўтган 102 нафар беморнинг 30 нафари назорат гуруҳида, 72 нафари асосий гуруҳда тақсимланди. 72 нафар асосий гуруҳдаги беморлар ортиқча тана вазни индексига қараб 3 гуруҳга бўлинди. 20 нафар беморда ортиқча тана вазнининг биринчи даражаси, 13 нафарда иккинчи даражаси ва 11 нафарда эса учинчи даражаси аниқланди. Юқорида кўрсатилган беморларда бўйи, тана оғирлиги, ортиқча тана вазни индекси, қондаги холестерин, кичик зичликдаги липопротеидлар (ЛПНП) ва юқори зичликдаги липопротеидлар (ЛПВП), қондаги 3 хил турдаги генлар ва уларнинг 7 хил генотиплари аниқланиб натижалар таҳлил қилинди.

Натижа ва таҳлил

Абу Али Ибн Синонинг соғлиқни сақлаш тадбирларидан бадан тарбия ва овқатланиш тадбирлари жуда катта аҳамиятга эга. Асосий гуруҳдаги 20 нафар беморда танқия (инсон организмни тозалаш), жисмоний тарбия, кўпроқ ҳаракатда бўлиш ва овқатланиш тадбири ўтказилган беморларда даволашдан олдин тана вазни индекси 28 тенг, беморлар қонини биокимёвий текширилганда қондаги холестерин миқдори 7.2 ммоль/л, кичик зичликдаги липопротеидлар (ЛПНП)-6.1ммоль/л ва юқори зичликдаги липопротеидлар (ЛПВП)-2.9ммоль/л миқдори даволашдан олдин. Даволашдан кейин эса тана вазни индекси 27 тенг беморлар қонини биокимёвий текширилганда қондаги холестерин миқдори 4.2 ммоль/л, кичик зичликдаги липопротеидлар (ЛПНП)-3.1ммоль/л ва юқори зичликдаги липопротеидлар (ЛПВП)-1.9ммоль/л миқдор-

га тенг бўлди. Назорат гуруҳидаги 20 нафар беморда эса тана вазни индекси, қондаги биокимёвий кўрсаткичларда деярли ўзгаришлар кузатилмади. Ортиқча тана вазнининг иккинчи даражасида генотипларнинг учраш сони % ҳисобида Ортиқча тана вазни индекси 28 га тенг бўлганда яъни иккинчи даражали ADRB2 (rs1042713)A>G, генотипи AG-53,8% учради ва Trp/Trp- 100% генотипи энг кўп учради. PPAR G2 (rs1801282)_C34 G генининг C/G-15,3%, бу генининг ичидан энг кам учрайди, C/C генотипи - 84,6% ҳолатда яъни энг кўп ҳолда учради, учинчи генотип эса G/G- мутлақо учрамади

Хулоса

Текшириш натижалари шуни кўрсатадики асосий гуруҳдаги 20 нафар бемор тана вазни индекси ва қондаги холестерин, юқори ва паст зичликдаги липопротеидларнинг камайиш ҳолати даволангандан кейин кузатилди. Назорат гуруҳида эса деярли ўзгаришлар кузатилмади. Демак Абу Али Ибн Синонинг соғлиқни сақлаш тадбирларидан жисмоний тарбия, кўп ҳаракат қилиш ва овқатланиш тадбирлари - ўз вақтида камкам овқатланиш ва кўпроқ овқатга мева -сабзавотларни қўшиш жуда катта аҳамиятга эга экан.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бессесен Д. Г., Кушнер Р. Избыточный масса и ожирение: Профилактика, диагностика и лечение. - М.: ЗАО"Изд-во БИНОМ". - 2004; 240-241 [Bessesen D. G., Kushner R. Izbitochniy ves i ojirenie: Profilaktika, diagnostika i lechenie. - M.: ZAO"Izd-vo BINOM". 2004; 240-241] [InRuss].
2. Бирюкова Е. В. Молекулярно-генетические, гормонально-метаболические и клинические аспекты метаболического синдрома. Авт. дис... докт. - М. 2009; 40. [Biryukova E. V. Molekulyarno-geneticheskie, gormonalno-metabolicheskie i klinicheskie aspekti metabolicheskogo sindroma. Avt. dis... Dokt. - M., 2009; 40.]

2. 3. Ожирение и избыточный масса. Информационный бюллетень ВОЗ. №311. Май 2014 г. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs311/ru/>. Ссылка активна 29.06.2016. [Obesity and overweight. Fact sheet. Updated June 2016. WHO Media centre. 2016.]
3. 4. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари III китоб 1994й. Тошкент. Халқ мероси нашриёти.
4. Flores-Mateo G, Rojas-Rueda D, Basora J, Ros E, Salas-Salvado J. Nut intake and adiposity: meta-analysis of clinical trials. American Journal of Clinical Nutrition. 2013; 97(6): 1346-55. doi:10.3945/ajcn.111.031484
5. Mart?nez - Gonz?lez MA, Bes-Rastrollo M. Nut consumption, weight gain and obesity: Epidemiological evidence. Nutrition, Metabolism and Cardiovascular Diseases. 2011; 21: S40-S5. doi:10.1016/j.numecd.2010.11.005
6. Nurboev F. E., Djumaev B.Z. DETERMINATION OF EPIDEMIOLOGY OF GENE AND GENOTYPES DETERMINING BODY WEIGHT BY KETLE INDEX INDICATOR: 1-5 www.iejrd.com E-ISSN NO:-2349-0721
7. Nurboev.F.E., Djumaev B.Z. The role of genes in the human body in overweight and obesity. Bukhara, New Day Journal in Medicine. 2019. №3 / 27. B. 206-211
8. Schulze MB, Manson JE, Ludwig DS, et al. Sugar-Sweetened beverages, Weight Gain, and Incidence of Type 2 Diabetes in Young and Middle-Aged Women. JAMA 2004; 292(8): 927. doi:10.1001/jama.292.8.927

Келиб тушган вақти 09.11.2020